

## МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Холиков Фарход Уктамович,**

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга

қарши куришиш кафедраси ўқитувчиси

E-mail: fxolikov@internet.ru

**Аннотация:** Ушбу тезисда муаллифнинг маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилиш масалалари юзасидан айрим мулоҳазалари баён қилинган. Иштирокчиликда жуда хавfli жиноятлар содир этилиши, жиноятни амалга ошириш режасининг пухта ишлаб чиқилганлиги, жиноятни фoш қилишнинг қийинлиги ва бошқа қатор муаммолар келиб чиқади. Қонун чиқарувчи орган иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг ана шундай хусусиятларини ҳисобга олиб иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаларини ишлаб чиққан.

Муаллифга кўра МЖТҚда ЖКдаги каби иштирокчиликка бағишланган иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиларининг турлари, иштирокчиликнинг шакллари, иштирокчиликда содир этганлик учун жавобгарлик доираси, дахлдорлик каби алоҳида нормалар мавжуд эмас. Фақатгина 32-модданинг 4-бандида “ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши” маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида келтириб ўтилган. Бироқ, бир гуруҳ шахслар дейилганида кимлар тушунилишига оидинлик киритилмаган.

**Калит сўзлар:** маъмурий жавобгарлик, маъмурий преюдиция, квалификация қилиш, бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ, жинoий уюшма, ташкилотчи, далoлатчи, бажарувчи.

Шахслар биргалашиб жиноят содир этган вақтда уларда жиноятни амалга ошириш учун шижоат, қатъиятлик, журъат кучаяди. Иштирокчиликда жуда хавfli жиноятлар содир этилиши, жиноятни амалга ошириш режасининг пухта ишлаб чиқилганлиги, жиноятни фoш қилишнинг қийинлиги ва бошқа қатор муаммолар келиб чиқади.

Қонун чиқарувчи орган иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг ана шундай хусусиятларини ҳисобга олиб иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаларини ишлаб чиққан.

Таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда жиноятда иштирокчилик тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, С.Ниёзова “жиноят содир қилишда бир неча жиноятчи бирга ҳаракат қилади ва шулардан ҳеч бўлмаганида иккитаси жинойи натижага эришиш учун ўз ҳаракатларини бирлаштиради ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини билган ҳолда ҳаракат қилади, шу ҳаракати орқали оқибатни келиб чиқишини хоҳлайди”<sup>1</sup>, деб ёзади. С.С.Мухаммаджонов иштирокчиликка: “Жиноят кодексига мувофиқ жинойи жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган икки ёки ундан ортик шахснинг қасддан жиноят содир этишда ёки жинойи фаолиятда биргалашиб қатнашиши жиноятда иштирокчилик, деб топилади”<sup>2</sup> деб таъриф беради. М.Усмоналиев бу таърифга кенгроқ ёндашган ҳолда, “икки ёки ундан ортик шахсларнинг муайян жиноятда иштирок этиши деганда, фақат қасддан содир этиладиган жиноятда камида икки киши қатнашиб, бири бажарувчи, иккинчиси ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчи сифатида қатнашган тақдирда ҳам жиноят иштирокчиликда содир этилган, деб топилади. Жиноятни содир этишда камида икки киши бажарувчи сифатида қатнашган тақдирда ҳам жиноят иштирокчиликда содир этилган деб топилади”<sup>3</sup>, деб фикр билдирган.

Бундан ташқари, В.В.Соболев жиноятда иштирокчиликка “икки ёки ундан ортик шахснинг Жиноят кодексига кўрсатилган қасддан содир этиладиган жиноятларда бевосита ёки бошқача тарзда биргаликдаги қатнашишини иштирокчилик”<sup>4</sup>, деб таъриф берса, Г.П.Новоселов ва Р.Джозефлар “Иштирокчилик – қасддан содир этилган жиноятларда биргалашиб қатнашиш бўлиб, айти бир жиноятнинг вазифаларни тақсимлаб ёки тақсимламасдан содир этишдир”<sup>5</sup> – деб таъриф беради.

Мазкур масалада иштирокчиликка С.Н.Наумов: “Икки ёки ундан ортик субъектларнинг қасддан содир этиладиган жиноятларда онгли равишда бирга қатнашишидир”<sup>6</sup> – деб таъриф беради.

Маъмурий преюдицияли жиноятларга нисбатан иштирокчилик тўғрисидаги нормаларнинг татбиқ этилиши ҳам ўзига хусусиятга эга.

<sup>1</sup> Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жинойи жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 28.

<sup>2</sup> Мухаммаджонов С. Жинойи жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 158-бет.

<sup>3</sup> Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 273.

<sup>4</sup> Соболев В.В. Основание и дифференциация ответственности соучастников преступления. Диссертация. – Краснодар, 2000. ст 18.

<sup>5</sup> Новоселов Г.П. Понятие соучастия и признак совместности участия// Российский юридический журнал. – Екатеринбург, 2012. – №6 (87). С. 105.

<sup>6</sup> Наумов С.Н. Оценочные признаки соучастия в преступлении. Автореферат. Краснодар, 2009. – 7с.

Назаримизда, маъмурий преюдицияли жиноятларда иштирокчилик масаласида мауммоли жиҳатлар мавжуд. Шу нуқтаи назарда бундай жиноятларга нисбатан иштирокчилик тўғрисидаги нормаларнинг татбиқ этилиши масаласини қуйида муҳокама этамиз.

МЖТКда ЖКдаги каби иштирокчиликка бағишланган иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиларининг турлари, иштирокчиликнинг шакллари, иштирокчиликда содир этганлик учун жавобгарлик доираси, дахлдорлик каби алоҳида нормалар мавжуд эмас. Фақатгина 32-модданинг 4-бандида “хукукбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши” маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида келтириб ўтилган. Бирок, бир гуруҳ шахслар дейилганида кимлар тушунилишига ойдинлик киритилмаган.

Маъмурий преюдицияли жиноятларга иштирокчилик институти нормаларини татбиқ этиш масаласини кўриб чиққан Ю.Е.Пудовочкин маъмурий-деликт қонунчилигида иштирокчилик фақат биргаликда бажарувчилик тарзида йўл қўйилади деган хулосага келган; қонунда у ёки бу шахснинг маъмурий хукукбузарликда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатидаги хулқ-атвори баҳолаш учун асос берилмаган, шунинг учун маъмурий хукукбузарликда иштирокчилик муаммоси иккинчи даражалидир. Маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги кодексда иштирокчилик институти қандай назарда тутилганлиги ва умуман назарда тутилганлигидан қатъи назар, жиноят субъекти маъмурий жазога тортилган шахсдир<sup>7</sup>.

Назаримизда, маъмурий преюдицияли жиноятларда иштирокчилик барча иштирокчи субъектлар махсус белгига эга бўлган ҳолда мумкин бўлади. Биргаликда бажарувчилар агарда айнан ўхшаш хукукбузарликни маъмурий жазога тортилганларидан сўнг қайтадан содир этганларида жинойий жавобгарликка тортиладилар. Агарда биргаликда бажарувчилардан фақат биттаси ушбу талабга жавоб берса, ўша бажарувчи маъмурий преюдицияли жиноят учун жавобгарликка тортилади, қолган бажарувчилар маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда, яъни МЖТК 32-моддаси 4-бандида назарда тутилган “хукукбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши” белгиси билан хукукбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

“Бир гуруҳ шахслар томонидан”: 126<sup>1</sup>-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик) 5-,7-қисми “е”-бандларида;

<sup>7</sup> Пудовочкин Ю.Е. Квалификация преступлений с административной преюдицией // Библиотека криминалиста. 2017. № 2 (31). С. 32.

“Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб”: 130-модда (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) 2-қисми, “б”-банди, 130<sup>1</sup>-модда (Тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) 2-қисми, “б”-банди, 141<sup>2</sup>-модда (Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) 2-қисми, “а”-банди, 156-модда (Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш) 3-қисми, “д”-банди, 177-модда (Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) 3-қисми, “в”-банди, 185<sup>1</sup>-модда (Рангли металллар, уларнинг парча ва резги чикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш) 2-қисми, “в”-банди, 186<sup>1</sup>-модда (Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш) 2-қисми, “б”-банди, 186<sup>3</sup>-модда (Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>1</sup>-модда (Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>2</sup>-модда (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>3</sup>-модда (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>12</sup>-модда (Пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб кўйиш ёхуд уларни ўз вақтида қайтармаслик) 2-қисми, “б”-банди, 197<sup>1</sup>-модда (Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик) 2-қисми, “б”-банди, 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш) 3-қисми, “в”-банди, 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши) 3-қисми, “в”-банди, 250<sup>1</sup>-модда (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) 2-қисми, “б”-бандида;



“Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб” – 127<sup>1</sup>-модда(Тиланчилик қилиш) 3-қисм “б”-банди, 177-модда (Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) 4-қисми, “в”-банди, 182-модда (Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) 2-қисми, “в”-банди, 185<sup>1</sup>-модда (Рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш) 3-қисми, “б”-банди, 186<sup>1</sup>-модда (Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаллага киритиш) 3-қисми, “б”-банди, 186<sup>3</sup>-модда (Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш) 3-қисми, “б”-банди, 192<sup>1</sup>-модда (Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш) 3-қисми, “б”-банди, 192<sup>2</sup>-модда (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш) 3-қисми, “б”-банди, 192<sup>3</sup>-модда (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш) 3-қисми, “б”-банди, 192<sup>5</sup>-модда (Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>6</sup>-модда (Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш) 2-қисми, “б”-банди, 192<sup>12</sup>-модда (Пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд уларни ўз вақтида қайтармаслик) 3-қисми, “б”-банди, 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш) 4-қисми, “б”-банди, 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши) 4-қисми, “б”-банди, 244<sup>6</sup>-модда (Ёлғон ахборот тарқатиш) 4-қисми, “в”-банди, 250<sup>1</sup>-модда (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) 3-қисми, “б”-бандида, 278-модда (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) 2-қисми, “б”-бандида назарда тутилган.

Юқоридаги ҳолатларда “бир гуруҳ шахслар томонидан”, “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб”, “уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб” оғирлаштирувчи белгилар назарда тутилган экан, табиий бир савол тўғилади: агар махсус субъект талабларига қилмиш содир этилишда иштирок этган шахслардан фақат биттаси жавоб берса, қилмиш қандай квалификация қилинади?

Бизнингча, бундай ҳолатларда маъмурий преюдицияли жиноят махсус субъект талабларига жавоб бермайдиган шахслар билан биргаликда содир этилганида махсус субъект талабларига жавоб берадиган шахснинг жиноий қасдни амалга ошириши имкониятлари ортади, уларнинг жиноятни содир этиши енгиллашади. Шундан келиб чиққан ҳолда, илгари маъмурий жавобгарликка тортилган шахс “бир гуруҳ шахслар томонидан”, “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб”, “уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб” оғирлаштирувчи белгиларни ҳисобга олган ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши ва маъмурий преюдицияли жиноят махсус субъекти талабларига жавоб бермайдиган, лекин маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти талабларига жавоб берадиган шахслар эса, маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкни иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 28.
2. Мухаммеджанов С. Жиноий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 158-бет.
3. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 273.
4. Соболев В.В. Основание и дифференциация ответственности соучастников преступления. Диссертация. – Краснодар, 2000. ст 18.
5. Новоселов Г.П. Понятие соучастия и признак совместности участия// Российский юридический журнал. – Екатеринбург, 2012. – №6 (87). С. 105.
6. Наумов С.Н. Оценочные признаки соучастия в преступлении. Автореферат. Краснодар, 2009. – 7с.
7. Пудовочкин Ю.Е. Квалификация преступлений с административной преюдицией // Библиотека криминалиста. 2017. № 2 (31). С. 32.
8. Холиков Ф. ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТДА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯГА ЭГА БЎЛГАН ЖИНОЯТ НОРМАЛАРИНИ ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С.192-199.